

## А Ж Р И М

(Ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2021 йил ноябрь ойининг 29 куни жиноят ишлари бўйича Ургут туман судининг очиқ суд мажлиси ўз биносида бўлиб, судья А.Ахмадовнинг раислигида, судья ёрдамчиси Қ.Эсанов ва Т.Эштайлақовнинг котиблигида, Ургут туман прокурорининг катта ёрдамчиси У.Фармонов, судланувчи Ҳалимов Миразиз Ихтиёр ўғли ва унинг ҳимоячиси “Маъдиев Ғанихон” адвокатлик фирмаси адвокати С.Нуруллаев, жабрланувчи Р.Турсуновларнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 140-моддаси 1-қисми билан айбланган:

Ҳалимов Миразиз Ихтиёр ўғли (XALIMOV MIRAZIZ IXTIYOR O'G'LI), 1999 йил 14 апрель куни Ургут туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, бўйдоқ, муқаддам судланмаган, вақтинча ишсиз, Ургут тумани, “Мангитобод” маҳалласида яшайди, иш бўйича “Муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 2021 йил 7 ноябрь куни олганга

оид 1-1416-2102|329-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, суд қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Ҳалимов Миразиз Ихтиёр ўғли – 2021 йил 06 сентябрь куни соат 21:00да, Ургут тумани “Мангитобод” маҳалласида жойлашган, ўзига тегишли озиқ-овқат савдо дўкони олдида ва 7 сентябрь куни ушбу савдо дўкони олдидан ўтувчи кўчада, унга илгаридан таниш бўлган Ургут туман “Оқмачит” маҳалласида яшовчи фуқаро Турсунов Рустам Маликович билан ўрталарида келиб чиққан ўзаро келишмовчилик оқибатида хар хил ножўя сўзлар билан ҳақорат қилиб, Р.Турсуновни шаъни ва қадр-қимматини беодоблик билан қасддан таҳқирлаган.

Судда жабрланувчи Турсунов Рустам Маликович ариза билан мурожаат қилиб, ҳозирги кунда судланувчи Ҳалимов Миразиз Ихтиёр ўғли билан ўзаро ярашиб олганлигини, у унга етказилган моддий ва маънавий зарар тўлиқ қопланганлигини, судланувчига нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини билдириб, мазкур жиноят ишини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига кўра ҳаракатдан тугатишни сўради.

Суд мажлисида судланувчи Ҳалимов Миразиз Ихтиёр ўғли ариза тақдим қилиб, ўз аризасида айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини билдириб, жабрланувчидан кечирим сўраб, унга етказилган зарарни қоплаб бериб, ўзаро ярашиб олганлигини, жабрланувчини унга нисбатан даъвоси йўқлигини баён қилиб, унга нисбатан юритилган жиноят ишини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига кўра ҳаракатдан тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасида таъкидланишича, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг бир қатор моддаларида, шу жумладан



140-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этган шахс, агар ўз айбига тўлиқ иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисмида жабрланувчи ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича судланувчи билан ярашган тақдирда жиноят иши ЖПКнинг 62-бобида белгиланган тартибда суд томонидан айблилик ҳақидаги масалани ҳал қилмасдан тугатилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Суд, жабрланувчи Р.Турсунов ва судланувчи М.Ҳалимовларнинг аризаларини муҳокама қилиб, тарафлар фикрини тинглаб, қуйидаги асосларга кўра аризаларни қаноатлантиришни лозим топади. Томонлар ярашганликларини, жабрланувчи судга бу ҳақида ихтиёрий равишда ариза берганлигини, судланувчи томонидан жабрланувчига етказилган зарарлар қопланганлигини, судланувчининг айбига тўлиқ иқрорлигини ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини инobatга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисмига кўра, судланувчининг жиноят содир этишдаги айблилик масаласини ҳал қилмасдан жиноят ишини Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддасига кўра, томонлар ярашганлиги муносабати билан ҳаракатдан тугатишни лозим топади.

Шунингдек, суд жабрланувчи Р.Турсуновга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84, 401, 582-583, 585-586-моддаларига асосан, суд

### **А Ж Р И М Қ И Л Д И :**

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 2-қисми билан судланувчи Ҳалимов Миразиз Ихтиёр ўғли (XALIMOV MIRAZIZ IXTIYOR O'G'LI)га нисбатан жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига асосан томонларнинг ярашганлиги муносабати билан ҳаракатдан тугатилсин.

Судланувчи Ҳалимов Миразиз Ихтиёр ўғлига нисбатан қўлланилган **“Муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат”** эҳтиёт чораси ажрим қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Жабрланувчи Р.Турсуновга мазкур иш бўйича, иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқолганлиги тушунтирилсин.

Ажримдан норози тарафлар йигирма сутка ичида шу туман суди орқали Самарқанд вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига хусусий шикоят ёки прокурор хусусий протест келтиришга ҳақли эканлиги, белгиланган муддат ўтганидан кейин берилган шикоят ёки протест оқибатсиз қолдирилиши тушунтирилсин.

**Раислик қилувчи судья:**

**А.Ахмадов**

